

Boqiy fikr

Har bir millatning
dunyoda borlig'ini
ko'rsatadurgan oyinayi
hayoti til va adabiyotidur.
Milliy tilni yo'qotmak
millatning ruhini
yo'qotmakdur.

Abdulla AVLONIY

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

мурад

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 21-oktabr, shanba № 84 (9045)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириши масалаларига багишланган ийғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Баш вазири, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирилар ва идоралар раҳбарлари иштирек этид.

Мамлакатимизда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қартиб келинмоқда. 2017 йил 16 август куни бўйиб ўтган ийғилишда таълим тизимини ривоҷлантиришнинг кўплаб ўйналишлари белгилаб берилди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини таркиби жихатдан тубдан ислоҳ килиш; мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича мухим вазифалар кўйилган эди.

Президентимизнинг жорий йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони хамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини таш-

кил этиш тўғрисида"ги қарорига мувоғик бу соҳада янги тизим яратилди.

Янги вазирилар олдига мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва но давлат тармолини кенгайтириш ва маддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни ошараб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбик этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-естетик, жисмоний ривоҷлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари кўйилди.

Ийғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар мухокама қилинди. Йаётимизда шу борада амалга оширилаётган ишлар мухокама қилинди.

Хаётимизда ҳал қилувчи

аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия тизими ҳакида гапиргандা, Абдула Авлоний бобомизнинг доно фикрларини тақорор ва тақорор айтишга тўғри келади: таълим-тарбия – биз учун ҳаёт-мамот масаласидир, деди Президентимиз. Қайси соҳани олмайлик, биз замонига етук кадрларни тарбиялашасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирлашми, энг асосий бўйин ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хуносаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фойзини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу дастурларни ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўйиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда.)

21-oktabr – «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

Миллат руҳи, ғурури ва тафаккури она тилида аксини топади

Тил ўзаро мумомала, алоқа воситаси, тафаккур қурорли. Дунё ҳалқлари учун ўз она тили бебаҳо қадрият, миллат ғурури. Тил миллатнинг онги ва хотираси, руҳи-яти, маънавий-маданий қиёфаси, миллий қадриятлари, ўтмиши, ташки оламга муносабатининг ийнокоси ҳамдир. Тилнинг миллат, давлат, жамият тараққиётидаги ўрни жуда мухим, ўта зарурий ва долзарб. Зоро, бу тушунчалар ўзаро диалектик боғлиқ ва алоқадор. Миллат, давлат, жамият тараққий қилас экан, унинг она тилига бўлган эътибори ва меҳри кучая боради. Ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт тилдаги тараққиётни белгилаб беради.

ЎзА мухабири Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ билан ушбу мавзуда сұхбатлашди.

– Хар бир ҳалқ тилининг ривожланыш тарихи ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқарашига боғлиқ кечади. Ўзбек тили ўзининг ривожланыш тарихида бир қанча босқичларни босиб ўтди. Аждодларимизнинг улкан аклий салоҳити билан яратилган асарлар, уларда ифодаланган пурхикмат фикрлар, таълими-тарбиявий қарашлар буғунги кундан ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, — деди Ш. Сирожиддинов. — Замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаётимизга ҳар куни кўплаб янгиликлар кириб келмоқда. Турмуш тарзимиз, дунёқарашимиз, фикрлашимиз, юриштушимиз, кийиншишимиз, мумомала-муносабатларимизда замонга мослашиш, унга ҳамнафасликда яшаш яққол кўзга ташланмоқда. Ҳар бир соҳада эврилиш, туб ислоҳотлар жараёни жадал кечмокда. Касб-корлар, мутахассислар такомиллашмоқда.

(Давоми 5-бетда.)


«Ўзбекистон янги марраларни кўзламоқда»

Америка Кўшима Штатларининг ойига 4,2 миллионлик аудиторияга зга «Real Clear World» нашрида шундай сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унинг муалифи – нашр шарҳловчиси ва «Corsair LLC» консалтинг компаниясининг бошқарувчи директори Жеймс Дурсо.

Мақолада қайд этилишича, 2016 йилнинг 4 декабридан, яъни Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти этиб сайланган кундан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётida янги босқичга қадам кўйди. Бунгача 13 йил давомида Баш вазир лавозимида фаолият юритган янги Президент кўшни мамлакатлар билан чегара ва сув ресурслари билан боғлиқ баҳсли ҳолатларга ечим топиш, миллий валюта конвертациясини таъминлаш, инсон хукукларига риоя этиш, Фарб оммавий ахборот востилари ва нохукмат ташкилотлари билан ҳамкорликни ўйла гўйиш каби масалаларни ҳал қилишга фаол киришди. Ўзбекистон раҳбари кўшни мамлакатлар, узоқ ва яхин хориж давлатлари, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар билан ҳамкорники жадал кенгайтироқмада.

Экспертнинг фикрича, Ўзбекистонда рўй берган мухим ички ўзга-

Ёш ҳалқаро шахмат устаси Жавоҳир Синдоровга Президентимиз совғаси топширилди



Шахмат бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари голиби, ҳалқаро шахмат устаси Жавоҳир Синдоровга Президентимиз совғаси топширилди.

Шу муносабат билан Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмилар спорт мактабида бўйиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси раиси Р. Курбонов ва бошқалар мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривоҷлантириш, ўшиб келаётган ўш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон-

(Давоми 4-бетда.)

2017-yil 21-oktabr, № 84 (9045)

"Хар ким билм олиш ҳуқуқи ҳақига эга.

Бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси нинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда вояга етмаганилар бўйича идораларро расмий комиссия билан ҳамкорликда "Таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш механизмиларини такомиллаштириш" мавзууда ташкил этилган давра сұхбатида таълим олишнинг ҳуқуқий кафолатларига оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Унда қатор вазирик ва идоралар, жамоат ташкиллари вакиллари, вояга етмаганилар билан ишлаш комиссияси аъзолари, таълим мусассасалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Таълим олиш ҳуқуқи кафолатланади

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик таълим тизими жорий этилди. Касбхунар таълими тизимири ривожлантиришининг янги механизмилари ишлаб чиқлаётir. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, таълимда давлат сектори билан бир қаторда хусусий секторнинг ривожланиши учун шарт-шароитларнинг яратилётганлиги ёш авлоднинг пухта ва сифатли билим олиши юйидаги энг тўғри қарор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг таълим олишга бўлган конституцияйи ҳуқуқларини янада қенгай-

тиради. Зоро, Боз қомусимизда ҳар кимнинг билм олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланганни белгилаб кўйилган. Унга кўра, ёшларнинг таълим олиши кафолатлари Оила кодекси, "Таълим тўғрисида" ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Конунчилларда ҳам мустаҳкамлаб кўйилган.

чани ташвишга солмокда, — дейди Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати Одинахон Жамолиддинов. — Биргина Андижон вилоятидаги таълим мусассасаларининг холати ўрганилганда 500 дан ортик ўкувчи умуман дарсларга катнашмаётгани аниқланди. Шу

ликка тортилган. Вояга етмаганиларнинг назоратисиз ва қаровсиз қолишлари натижасида эса, уларнинг 32 минг 968 нафари томонидан маъмур ҳуқуқбузарлик, 6 минг 850 нафари томонидан жиоян содир этилишига йўл кўйилган.

Ўтказилаётган профилактик чора-тадбирлар ҳамда жавобгарлика тортishi бўйича кўрилаётган чора-лар ўзининг кутилган натижасини бермаётгандиги таъкидланди.

Вояга етмаганилар ўртасида назоратисизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги маҳбүрятларини янада оширишда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ролини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда айрим конун ҳуҷжатларига ўзгариши ва қўшимчаларни киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Қишига тайёргарлик нега кечикмоқда?

Кузнинг ўртасида ҳаво ҳароратининг пасайб кетиши барчамизни сергаклантириб, куз-қиши мавсумига ким қандай тайёргарлик кўрганини синондан ўтказиб олди. Қаерда ҳозирлик якунига етмаган ёки бу ишга эътиборсизлик билан қаралган бўлса, мутасаддиларнинг "пайтавасига қурт тушди".

Халқимизда "киш фамини ёзда е" деган доно нақл бехиз айтилмаган. Буни Чуст туманинда ҳам таълими бўлими раҳбарлари ҳам яхши билади. Аммо билгян бошқа, уқдан бошқа. Тумандаги айрим таълим мусассасаларида куз-қиши мавсумига тайёргарлик ишлари ўз холига ташшал бўйилгани кишида шундай тасаввур ўйтади. Масалан, 37-мактабда қиши тарафдуди никоясига етмаган. Ўқув бинонини иситиш тизими, ўрнатилган кичик қозонлар юқори босим остида синондан ўтказилмаган. Аслида мактабга 52 тона кўмир ёқилиғиси ажратилган бўйса-да, амалда унинг 29 тоннаси келтирилган, холос. Колган 22 тона 870 кг брикет мусассасага етказиб берилмаган. Синфоналарни ёртиши тизимилини камчиликлар ҳам бартараф этилмаган, лампочкалар етишмайди. Айрим хоналарда кўйган электр чироқлари алмаштирилмаган. Мактаб спорт зали ёмғирил кунлардан анча азият чеккани шифт ва деворларда колган асоратлардан ҳам маълум. Лекин чакки ўтдиган том таъмилланмаган.

Мактаб ховлисига ўрнатилган паст кучланиши трансформатор кутисининг эшиклири йўқ, электр тақсималгич шкаф ҳам очи ҳолда. Бу эса ёғин сочини кунларда фавкулодда ходисаларни келтириб чиқарни мумкин. Дераза ойналарининг бутлиги, плёнка билан тўслиши хонада ҳарорат мўтадиллигини таъминланади. Лекин плёнка, скотч, пахта ва рейка каби зарур виситалар захираси яратилмаган. Мусассасада куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режаси билан танишилганнинг имкони бўлмади. Чунки мактаб ди-

ректори Дилшод Рискулов туман ҳокимигига йигилишга кетган экан.

Хоналарнинг мавсумига тайёр эмаслиги ўқувчиларнинг давоматига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Синф журналлари вактида тўлдирилмаган. 9 октябрь — ҳафтанинг биринчи кунидан 7-“А” синфда 6, 7-“Б” синфда 7, 9-“А” синфда 11 нафар, 9-“Б” синфда 4 ва 10-синфда 11 нафар ўқувчи дарсларда иштирок этилган аниқланди.

Чуст шахридаги 4-мактабда ҳам қиши-қирволи кунларга тайёргарлик ишлари ўлда-жуда. 10 та кичик иситиш печидан 2 таси яроқиз. Колганларни ҳам қаровдан ўтказилмаган ба синалмаган. Кўмир захираси яратилмаган. Режадаги 35 тона ўрнига 26 тона 434 кг. кўмир олинган, холос. Синфоналарда ёртиш чироқлари етишмайди, базъиларида умуман йўк.

Мактаб директори Алишер Бегматовнинг изоҳиҳи, кичик иситиш печларини юқори кучланишиларига алмаштириш, мактаб ташки таъсирни ҳожатхонасини таъмириш учун зарур маблаг сўраб, Чуст тумани молия бўлимига бир неча бўзма мурожаатлар жавобсиз колган. Туман молия бўлими ходими Ибратали Тўхтасиновдан бу саволга тайинли жавоб ололмадик. Мурожаатлар ёзилган хатларни қабул килиб олган ходимининг имоси, санааси бор, лекин молия бўлимида қайд этилмаган.

Hozirlik – huzurlik

— 2016 йил 24 декабрдаги 169-, жорий йилнинг 12 январидаги 168-, 16 майдаги 125-, 24 юнадаги 145-ва 147-сонли мурожаат хатларимизга ҳеч қандай жавоб қайтарилилди, — дейди мактаб директори Алишер Бегматов. — Иситиш тизими талабга жавоб бермайди. Қиши кунлари ҳарорат тушиб кетса, ўқувчilar давомати пасайди, турли юқумли касалликлар тарқалади. Бунинг устига қиши кунлари электр энергиясидаги узилишлар таълим жараёнида АКТни кўллашга халақит бермокда.

Туманинг Варзик қишлоғидаги 19-ИДУМИда ҳам куз-қиши мавсумига тайёргарлик ишлари ўлда-жуда. 10 та кичик иситиш печидан 2 таси яроқиз. Колганларни ҳам қаровдан ўтказилмаган ба синалмаган. Кўмир захираси яратилмаган. Режадаги 35 тона ўрнига 26 тона 434 кг. кўмир олинган, холос. Синфоналарда ёртиш чироқлари етишмайди, базъиларида умуман йўк.

Мактаб-интернат директори Низомjon Жўраевнинг таъкидлашича, бу ерда замонавий ёткоҳонага эҳтиёж бор.

— Бу ҳақда вилоят ҳалқ таълими бўлими кунларнинг мурожаат кўлланмади. Келгуси йилги курилиш ишлари рејасига кириш учун таъкид тайёрланган, — дейди Низомjon Жўраев. — Очиги, бизга ўқувчilar ёткоҳонаси учун ўқитувчilar хонаси ва ошхона учун янги мебель жуда зарур. Буюртма берилган. Яқин кунларда бу масалаларни топлишига умид киляпмиз.

Чуст туманинни ҳалқ таълими бўлими раҳбарлари муммият ва камчиликлардан ҳам бўлимида деган савол билан

улрага юзландик. Мутасаддилар вилоят ҳалқ таълими бўлими кунларнинг янги ўкув йили, куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриши тўғрисидаги бўйруни фақаттинг ижро учун қабул килиш билан чекланган кўринади. Июнь-август (сентябрда ҳам) ойларидаги мазкур масалалар бўйича 3 марта йигилиш ўтказилган. Йигилишлар баённомаси ва қабул килинган қарорлар матни билан танишиб, ажабтовор ҳолатга гуво бўлдик. Ҳалқ таълими бўлими томонидан шу йилнинг 11 июнида ўтказилган йигилишда куз-қиши мавсумига тайёргарлик нигини бориши мусассасалар мисолида таҳлил этилган ва тегиши қарор қабул килинган. 11 августда ўтказилган иккинчи йигилиш баённомаси ва қарорида ҳам, санани ҳисобга олмаганди, худди шу тақорорланган — биринчи йигилишда ёзилган баённома ҳамда қарор матнидаги биронта ҳам ҳарф ўзгартмай тақороран буйруқ чиқарилган. Ҳатто уни назорат килювчи мутасадди — ҳалқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Д.Асроловнинг исм-фамилияси ҳам ўзгартмagan. Бу бир хиллик сабаби сурʼаландада Д.Асролов 11 июннага йигилишда қатнашмаганини, чунки бу вақтда туман ҳалқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари лавозимига тайинланмаганини билдириди. Ўринбосар август ойидаги иш фаолиятини бошлаган бўлса, унинг исм-фамилияси июн ойидаги бўлган йигилиш баённи ва қарорида нега кўрсатилиган тажжубланарли...

Кўринидур турганидек, тумандаги айрим таълим мусассасаларида мавсумига тайёргарлик қониқарсиз ахволда. Туман бўйича қаттиқ ёқилғи — кўмир ва брикет жамғариси кечикмокда. Чуст туманинни ҳалқ таълими бўлими мутахассиси Муроджон Шариповнинг изоҳиҳи, каттиқ ёқилғи кунларни ҳам кисми брикет жолида мусассасаларга етказилади. Аммо таъминот негадир тўхтаб турибди. Бу ёқда эса қиши эшик қоқмоқда.

Фанишер АКБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ёш халқаро шахмат устаси Жавоҳир Синдоровга Президентимиз совфаси топширилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 июндан «Хисмоний тарбия ва оммий спортни янада ривоҷлантириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 10 августида «Нуғузли халқаро спорту мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спорчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спорчиларни уларнинг тренерларини рабблантариши тўғрисида»ги қарорлари соҳа ривожида муҳим дастурларни бўлмоқда.

Бугун юртимиз спорчилари нуғузли спорт анжуманларida — жаҳон ва китъя чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида юкори натижаларга эришиб, Ватанимиз доврунни бутун дунёга тараннум этмоқда.

Буни ёш шахматчимиз Жавоҳир Синдоров мисолида ҳам кўриш мумкин. Тўрт ярим ёшидан шахмат билан мун-

тазам шуғулланиб келаётган Жавоҳиринг эришган ютуқларига жаҳоннинг етакчи шахматчилари ҳам ҳавас килали. У 2012 йил Хиндиондо мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди. 2013 йил Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални кўлга киритди.

2014 йил Грециядаги мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва билии йўналишилари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Жавоҳир Синдоров бирйўла иккита олтин медални кўлга киритди. Бразилиядаги мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ҳам олтин медалга сазовор бўлди. 2015 йил Таиланднинг Паттайя шаҳрида шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида яна шоҳсуннинг ёнг юкори погонасига кўтарили.

Ийл Россияядаги ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланди.

2017 йилги спорт мавсуми ҳам шахматчимиз учун муваффақиятли бўлмоқда. Жавоҳир апрель ойидаги пойтахтизмизда шахмат бўйича 8—18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида иккита олтин медални кўлга киритди.

— Жавоҳир жуда тиришқон ва меҳнаткаш шахматчи, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Халқаро майдонда эришаётган галабаларимиз мамлакатимизда ёшлар учун яратилётган кенг имкониятлар, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-куватлашга қаратилётган ўтибор туфайлидир. Президентимизнинг совасига мени янада юксак маралар сари руҳлантиради, келажакда халқаро гроссмейстер талабини бажаришимда яқин кўмакодомин бўлади.

Байрам АЙТМОРОДОВ,
ЎЗА мухабири

халқаро шахмат устаси унвони берилгани эълон килинди.

Жаҳон ва Осиё чемпионати голиби, халқаро шахмат устаси Жавоҳир Синдоров Президентимизни Шавкат Мирзиёев томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий ноутбук (Macbook) билан тақдирланди.

— Президентимизнинг биз ёшларга кўрсаталётган улкан ўтибор ва фамхўлигидан миннатдоримиз, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Халқаро майдонда эришаётган галабаларимиз мамлакатимизда ёшлар учун яратилётган кенг имкониятлар, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-куватлашга қаратилётган ўтибор туфайлидир. Президентимизнинг совасига мени янада юксак маралар сари руҳлантиради, келажакда халқаро гроссмейстер талабини бажаришимда яқин кўмакодомин бўлади.

Икки эллинг суюкли адиби

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий универсitetida «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон доммий экспозицияси ташкил этилди. Унинг очилишига бағишланган тадбирда Киргизiston Республикасининг юртимиздаги элчинонаси, катор жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, профессор ўқитувчilar ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган университет ректори А.Мараҳимов, Киргизistonning Ўзбекистондаги Фавқулодда муктор элчиси Д.Сиддиков, Ўзбекистон ёзувчilar уюмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид иштирокчилари ва бошқалар Чингиз Айтматов бетакор ишодан билан Ўзбекистон — Киргизiston халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга улкан хисса кўшган булоқ адаб эканни алоҳида ташкил этилди.

— Киргиз халқининг аточи адиби Чингиз Айтматовнинг бадий публицистик ва адабийтанқидий маколалари, роман ва киссаларининг мазмун-моҳияти дунёда тинчлик, инсоник меҳрумабатни саклаш, она заминни асрарга қаратилгани билан аҳамиятларидир, — дейди публи-

цист Сайди Умиров. — Адиб њаёти ва ижодига бағишланган экспозициянинг очилиши ўзбек халқининг буюк ёзувчига, у орқали қирғиз халқига юксак ишонч ва эхтиромининг намунасидир.

Бугун дунёнинг турил нукталарига яшайтган юздан ортиг миллат вакилларни ижодкор асрарини завъ билан ўқиб, дилрабо оҳангни, ажаб сехру тароватидан баҳраманд бўлмоқда. Адибнинг бадий публицистик асрарни, жумладан, 1958 йили ёзилган «Жамила» кисаси дунёнинг олтмишга яқин тиллари катори ўзбекча ҳам маҳорат билан таржими кўлинган. Шунингдек, Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим», «Юзма-юз», «Сарвижмат дилбарим», «Бўтакўз», «Момо ер», «Сомон ўйли», «Альвидо, Гуларси», «Ок кема», «Денгиз ёқалаб чоپалётган олар», «Асрар татигуллик кун», «Кўймат» каби асрарини ўзбек китобхонлари севиб мутола қиласди.

Кўргазмада Чингиз Айтматовнинг дурдона асрарли, адиб ќаҳидати охторалар, маколаларини электрон нусхалари, ёзувчининг ѩеъти ва ижоди акс этган фотосуратлар жой олган бўлиб, бу улуг ёзувчи сиймосини кўз олдимишда гавдалантиришга хизмат қиласди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
“Ma'rifat” мухабири

Болалар даврасида

Болага ўзи мутола қилиб чиқсан асарнинг ёзилиши тарихи, яратилган образлар олами ҳамиша қизиқарли. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан ўтказилган «Юрт болаларининг бобоси» — Ўзбекистон халқ ёзувчisи Ҳудойберди Тўхтабоев билан учрашиш, унинг сұхбатидан баҳраманд бўлиши ҳар бир ўқувчига оламолам завъ бағишлайди. Пойтахтизмизнинг Яккасолар туманидаги 319-умумtalым макtabida адиб билан ўтказилган учрашу китобхонларга аъло кайфият бағишилди.

Асрарлари тили содда, равон, халқчил ёзувчининг болалар даврасидаги мулокоти самимий руҳда кечди. Мазкур талим мусассаси ўқувчilarни адибнинг «Сарик девни миниб», «Беш болали йигитча» асрарларини мароқ билан ўқиб чиқсанлиги берадайтган саволларидан ҳам сезилиб турарди. Китоб-

хонларнинг яхшилик ва ёмонлик, эзгулини ва ёвзалик, орномий мусабиқалари ташкил этилди. Ҳалқ таълими тизимида шулкисиз мақсади оширишни жараёнларини ташкил этиши мақсадидаги ўтказилётган семинарда китобхонлик маданиятини ошириш мавзуси барчанинг диккат марказида бўлди.

ни Ҳошимжон китоб ўқимаганилиги, пухта билим эгалламаганилиги оқибатида кўп маротаба панд еган.

Ҳудойберди Тўхтабоев ўз мухлисларига асар образларини факат ижобий томонларини ўзлаштириш зарурлигини утириди. Үкиш, чуқур билим эгаллаш, кўпроқ китоб мутола қилиш ҳар бир ўқувчига тақдирли юзмаси мисоллар кептириди.

Адиб билан юзма-юз учрашув нафакат ўқувчilar, балки ўқитувчilarда ҳам катта таасусрот қолдири.

Асолат АХМАДҚУЛОВА,
“Ma'rifat” мухабири

Методист ўқитувчидан тавсиялар

«Ҳар бир инсонда кўёш мавжуд, факт лусун нур сочишига имкон беринг!». Файзусоф Суркотининг бу хикмати Юнусобод туманидаги 274-мактабда методист- ўқитувчilarнинг она тили ва адабиёт фанидан ўтказилган ўқув-амалий семинари учун шиор бўлди. Ҳалқ таълими тизимида узлуксиз мақсади оширишни жараёнларини ташкил этиши мақсадидаги ўтказилётган семинарда китобхонлик маданиятини ошириш мавзуси барчанинг диккат марказида бўлди.

Тадбир давомида 10-11-сinf ўқув режасидан жой олган асрарлари ўқувчilarга янада сармали етказилиши бародида амалий тақиғлар айтиди. Файзрафӯйжоев «Бобурнома»ни ўсмилар дунёсига олиб кириш зарурлигини таъкидлаган бўлса, Муаззам Иброхимова Жек Лондоннинг «Хайта муддаббат» ва Алфонсо Доденинг «Сўнгти сабоқ» асрарларини ўқувчilarга қандай тушунти-

риш кераклиги ҳақида тавсиялар билдири. 288-мактаб ўқитувчisi Гулноза Нурматова эса ўқувчilarда таянч ва фанги оид компетенцияларни шакллантиришида таълим технолоѓияларининг аҳамиятини ўтирилган «Иккি эшик ораси» романни ўтиш мисолида очиб берди. Ўқитувчilar ўтказидан намуниввий интерактив ўйинлар ташкил этилганда дарс жаҳаённида яқиндан кўмак беришига шубҳа йўқ. Айниска, Маҳмуда Валиевнинг ўқувчilarни китоб ўқишига кизиқтириши барасида тавсия кўллади. Улардан бири — шу мактабда тез-тез ўтказиб туриладиган «Ёзувчи дарслари» дигар.

Семинар яхинда ўқувчilar устоzlарига бадиий асрарлардан парчалар ва севимли шеърларидан намуналар айтишиди. Бу каби тадбирлар мактабларда она тили ва адабиёт дарсларининг аҳамияти ошишига ҳамда ўқувчilar орасида китобхонлик тарбиботининг янги погонага кўтарилишига замин яратади.

Суҳроб ЗИЁ

Konstitutsiyamiz – huquq va erkinligimiz kafolati

(Ta'lim muassasalarida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining
25 yilligiga bag'ishlangan tadbirlarni o'tkazish bo'yicha metodik tavsija)

Mamlakatimizdagagi tinchlik-osoysishitalikni mustahkamlash, xalqimiz qalbida ertangi kunga ishonchni kuchaytirishda Konstitutsiyamiz muhim o'r'in tutadi. Darhaqiqat, Bosh Qomusimiz erishgan yutuqlarimizning asosi va poydevoridir. Shu ma'noda Konstitutsiyamiz mazmun-mohiyatini kichik yoshdanoq farzandlarimiz oniga singdirish zarur. Bunda ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan mashg'ulotlar, ochiq darslar va sanaga bag'ishlab o'tkaziladigan tadbirlarning ahamiyati katta.

Asosiy Qomusimiz qabul qilinaning 25 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazishni tashkil etishda quydigallarga e'tibor qaratish tavsija etiladi:

2017-yil noyabr-dekabr oyalarida "Konstitutsiyamiz – huquq va erkinligimiz kafolati" shiori ostida quril etiladigan huquqiy, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar oyigli davomida olim, yozuvchi, ijodkor ziyoilari, huquqshunos va boshqa soha mutaxassislar ishtirotida uchrashuv va ochiq muloqotlar o'tkazish;

Boshlang'ich sinflarda "Konstitutsiyani o'rganamiz", "Baxtli bolaligim" rasmilar tanlovi, "Mening huquqlarim" mavzusida suhabatlari tashkil etish;

5-, 6-, 7-sinflarda "Men O'zbekiston fuqarosiman", "Konstitutsiya – baxtimiz poydevori" mavzularida bayonlar tanlovi, "Konstitutsiya mening nighominda", "Mening konstitutsiyam" mavzusida davra suhabatlari o'tkazish;

8-, 9-, 10-sinflarda "O'zbekiston kelajagi – barkamol avlod qo'lida", "Inson huquqlari – eng oly qadriyat", "Konstitutsiya va huquqiy madaniyat" insholar tanlovi, "Men O'zbekiston Respublikasi fuqarosiman", "Siz qonunni bilasizmi?", "Mustaqillik – mening taqdirimda", "Mustaqillik – huquq madamdir" mavzularida vitorinalar va ko'rlik-tanlovlari, "Korrupsiya qarshi birlgilikda kurashamiz", "Korrupsiya siz



kelajak sari", "Korrupsiya – taraqqiyot kushandas" mavzularida ijodiy ishlar tanlovini o'tkazish.

Shuningdek, maktab o'quvchilar o'tasida "Sog' tanda – sog'gom aq!" (boshlang'ich sinflarda "Quvnoq startlar"), "Sog'gom bola – yurt boyligi", "O'zbekiston kelajagi barkamol va sog'gom avlod qo'lida" (voleybol, futbol, basketbol) sport musobaqalarini tashkil etish mumkin.

Tashkiliy masalalar:

— ta'lim muassasalarini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining mazmun-mohiyatini aks ettiruvchi tasviriy vositalari bilan bezatish;

— o'quvchilar tayyorlagan devoriy gazetalar, to'garaklarda bajarilgan ishlar hamda ular erishgan yutuqlar aks ettirilgan ko'rgazmalarini tashkil etish;

— sinf rahbarlari tomonidan Konstitutsiyaning hayotimizda tutgan o'rnni tushuntirish maqsadida otanolar, o'qituvchi va o'quvchilarining huquqiy savodxonligini oshirishga yo'naltirilgan targ'ibot-tashviqot ishlari tashkil etish;

— musiqa va san'atga iqtidori bo'lgan havaskor bolalar tomonidan

hududdagi mahalla aholisiga yaqin atrofdagi maktab o'quvchilariga uchun Konstitutsiya kuniga bag'ishlangan konsert dasturlarini tayyorlash;

— axborot-resurs markazlari va ta'lim muassasalarini kutubxonalarida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinaning 25 yilligiga bag'ishlab yuridik adabiyotlar ko'rgazmasini tashkil etish maqsadga etish mumkin.

Tantanali qism:

Ta'lim muassasasida tashkil etiladigan tadbirni muassasa rahbari ochib beradi. Uning ma'rurasidani quydagi ma'lumotlar o'r'in olsa, targ'ibot ishlari yanada takomillashtadi:

— mamlakatimiz ijtimoiy hayotida Konstitutsiyaning o'rni va ahamiyati;

— fuqarolari va davlat o'tasidagi munosabatlarni tartibga solishda Konstitutsiya asosiy mezon sifatida;

— ta'lim olish huquqining kafolatlanishi va uni amalga oshirish yo'lidiagi imkoniyatlar, erishilayotgan yutuqlar;

— 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlanтиrishing beshta ustuvor yo'naliishi bo'yicha Harakatlar

strategiyasining ikkinchi yo'naliishi "Qonun ustuvorligini ta'minlash va sudhuquq tizimini yanada isloh qilishning ustuvor yo'naliishlari" deb nomlanishi dan ko'ziangan maqsad va vazifalar.

Ta'lim muassasasi rahbari tadbirni ochiq deb e'l on qilgandan so'ng davlat madhiysi ijo etiladi. Xulqi namunalni, a'lochi hamda omrnayi tadbirlarda faol ishtirot etgan o'quvchilar, fidoyi o'qituvchilar rag'batlaniriladi.

Badiiy qism:

Boshlang'ich sinf o'quvchilar, badiiy havaskorlik, sport to'garagi a'zolarining ko'rgazmali chiqishlari namoyish etiladi. Takif etilgan mehnmonlar yig'ilganlarga o'z tabriklarini yo'llaydilar.

Tadbir dasturini tayyorlashda O'zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzoning Konstitutsiyasini moddalariga bag'ishlangan she'rleridan foydalanish mumkin.

Kununiy qism:

Davlatimiz tomonidan yoshiarga yaratilayotgan imkoniyatlardan unumi foydalanish va uni qadrash lozimligi uqtiriladi. Bunday g'amxo'rlikka o'quvchilar namunali xulqi va a'lo baholarga o'qishi orqali javob berishi haqida mahalla faollari, keksa otaxon-onaxonlar so'zlagani maqsadga muvofiq. Bunda yosh avlodga shaxsiy namuna ko'rsatgan holda Birinchi Prezidentim Islom Karimov ta'biri bilan aytganda, *har kuni, har soatda fidoyi bo'lish, o'zini tomchi va tomchi, zarrama-zarra buyuk maqsadlar sari charchamay, tolliqmay tinimsiz safarbar etib borish, bu fazilatni dolmiy, kundalik faoliyat mezoniga aylantirish – haqiqiy qahramonlik ekanligini tushuntirish zarur*. Zero, o'z huquq va majburiyatini bilgan, burchin tushunib yetgan yoshlarning buyuk davlat turishiga hissa qo'sha oladi.

Bayram tadbirlarini tayyorlashda ta'lim muassasalarini ushbu tafsialardan ijodiy yondashgan holda foydalanishi mumkin.

Respublika ta'lim markazi

нинг нуткӣ компетенцияси шакланади.

Навоийлик педагоглар ҳам филология фанларни ўқитишада муаммолар юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини тайёрламоқда.

Конимех тумани Шўркӯл фуқаролар йигини худудидаги 39-мактаб муаллимаси Салима Менглиева форумда қоракалпоқ тили ва адабиёти фанни таълимида ўзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари хакидаги фикрлари билан ўртоқлашмоқчи.

— Карийб йигирма беш йилдан бўён қоракалпоқ тили ва адабиёти фанидан дарс бераман, — дейди Салима Менглиева.

— Дарсларда қўллаб имловий хатолрага йўл кўяди. Педагог форумда шубъи муаммолар бартараф этиши бўйича тажрибалари билан ўртоқлашши ниятида.

— Давлат tilini ўқитишада матн билан ишлаш ўқувчilarini мантиқий фикrlashtirishga ўргатади, — дейди Дилафрўз Бобоҷонов. — Мультимедиа воситаларидан самаралийдаги мулокотини эркин мулокотини таъминлаиди. Мисол учун, Аскади Мухторнинг "9-palata" хикояси дарсларда киска берилган. Ўғил-қизларнинг саводхонлигини ошириш мақсадидаги хикояни тўлиқ, мутола килиши топшираман. Барча хикоянинг тўлиқ, вариантини ўқib чиқади. Кейинги машғулотда асар юзасидан баҳс-мунозара ўтказман. Бу орқали ўқувчilarini

Тил ва таълим муаммолари

Филология фанлари ўқитувчilari forumida muҳokama қилинади

Шу йил 7-8 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқ таълими вазirligini tomonidan filologiya fanlari ўқитuvchilari forumining "Til va taъlim muammolari: istiқboldagi va'zifalar" mavzusidagi respublika forumi ўtkaziladi. Maxsud taъlim-tarbiya tizimining barqa бўғланиларидаги filologiya fanlari, xususan, она tilini va adabiёт, ўзбек, қoraқалпоқ, қозоқ, қыргиз, тоғик, туркман, рус, инглиз, француз, немис tilini ўқитши sihatni va samaradorligini янада яхшилашидир. Aйни paytda жойларда forumiga tayёрgarlik shillari olib borilmoxda.

— Тошкент шахridan forumda ixtisoriy etishi учун таъziribali, "Йилнинг энг яхши fan ўқituvchisi" va fan jahonliishi boşqa tańlovlarida golib bўlgan, faoliyati tuman, shaxar, respublika mikkasiida ommalashtirilgan 10 naفار ўқituvchi, bir naفار metodist tanzilab olinidi, — дейди Тошкент шахар xalq taъlimi boş boşqarmasi metodika markazi direktori Maҳzuma Xamdamova. — Шўбъа йигилишларida adabiёт darslarida ўқituvchilari asar taъhiliiga ўргатiladi, ёзma sahodxonlikni rivojlanтиri, darslarini innovatsion

ёндашuv asosida tashkil etishi kabli mavzulardan mukhokama kiliplini kўzda tutilgan. Xalq taъlimi vazerliligi tasarrufidagi filologiya fanlariiga ixtisoslashtirilgan давлат umumtalim maktabining она tilini va adabiёт fanni ўқituvchisi Sharofat Toшmiraeva forumda "Tilimda badiy asar taъhiliining ўрni" mavzusida matruza qilmokchi.

— Adabiёт darslarida asar taъhiliiga alohiда urug' berasi yangi DTC talablariga kўra, ўқuvchida kompetenziyalari shakkalantirovchi etakchi vositadir. Darslikda ja-

хон adabiёtiidan sara asarlar berilgagan. Birok ўқuvchi taъhili жараёнida qiyinchiликka duek kelandi. Ushbu muammolarni bartaraf etishi maqсадida tashkil etish mumkin.

Forum oldidan

асар taъhiliiga oид takliflarim bilan ixtisoriy etmekchiman. Xususan, Chingiz Aytmatovning "Ok kema" kissasi, "Asgra tatiqulik kун" roman, Nodar Dumbadzeining "Xelpladс" hikояsinining badiy va tarbijaviy ahamiyatini ochib berisha asarlarlardagi ramzlar moxiyatini tushuntirish muhim ўрин tutadi. Forum ixtisoriy fikrlashtirishga asar sюjeti, elementlari, voqealar rivozki, ziddiyatlar, kulturminacion nukta va echimni tўrgi taъhili kiliш бўйичa soddha usulparni takdim etmekchiman.

Filologiya fanlari forumida Kizilzad va viloyati 12 naفار malakali pedagog katona shakllantiruvchi etakchi vositadir. Darslikda ja-

Жиззах шахridagi IDUMda taъlim rus tilida olib boriladigan sinif ўқuvchilariga davlat tilida sabok beradi. Muallimaniнg taъkida, russ sinifida taъsil olaётgan ўқuvchilar ўзбек tilida matn ўзишда kўplab imlovish xatolraga йўл кўяди. Pedagog forumda shubъi muammolarni bartaraf etishi bўйича tajribalari bilan ўrtoқlaشши ниятида.

— Davlat tilini ўқitishadada matn bilan iшлаш ўқuvchilarini mantiқiy fikrlashtirishga ўргатadi, — дейди Dilafrўz Bобоҷонов. — Mультимедиа воситаларидан самаралийдаги мулокотини эркин мулокотини таъминлаиди. Misol учун, Asqad Muxторнинг "9-palata" хикояси дарslarda kisqa berilgan. Ўғил-қизларнинг саводхонligini oшириш мақсадidagi хикояning тўлиқ, mutołla kilişli tопшираман. Barча хикояning тўлиқ, variyantini ўқib chiqadi. Keyinligi maşғulotda asar юzasiдан baҳs-munozara ўtказman. Bu orqali ўқuvchilarini

Gulzor ORIFJONOVA,
Abdusattor CODIKOV,
Oibuvbi OCHLOVA,
"Ma'rifat" mukhbirlari

Ташаббускорлик, файрат ва шижаат

ёшлар етакчиларининг ҳаёт шиорига айлансин



Гулноз Жаримбетова,
Нукус шаҳридаги
17-мактабнинг
ёшлар етакчиси:

— Ёшлар етакчиси — ёшларни дадилликка, фаолликка, ташаббускорликка ундейдиган, уларни эзгу мақсадлар сари дадил одим ташлашга ўргатдиган, чина кам лидер бўлиши керак! Ораларингда шундай ўтиорак ёшлар борми? дейишганда, катта ишонч ва файрат билан "Мен!" дега отилиб чиққанимиз сезмай қолдим. Менда бу шижаат ва дадиллик мухтарам Президентимизнинг ёшлар билан ўтказган мулоқотидан сўнг пайдо бўлди.

Ёшларда тил ўрганишга иштиёқ катта. Шу боис, мактабда рус тили ва инглиз тили тўғарагини очдик. Рус тили ўқитувчиси Гулмира Каражанова хамда инглиз тили ўқитувчиси Сайёра Пирярова доимий маслаҳатгўйимиз.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган семинар-тренинг касбий маҳоратимизни ошириш, ҳамкасларимиз билан фикр алмашиш, таъкидларимизни ўртоқлашиш имконини яратди. Ўз касбining етук мутахассислари ўқувчи қобилиятини қандай аниқлаш ва ривожланириш бўйича зарурий маълумотлар бериши. Гавҳар Сагдуллаеванинг ўсмир қизлар билим ва кўнгликаси мустаҳкамлаш, улар учун "Баркамол қизлар клуби"ни ташкил этиш лойиҳаси маъқулланди.



Рисолат Мамажонова,
Фаронга шаҳридаги 13-мактабнинг
ёшлар етакчиси:

— Таълим муассасамизда иктидорли ўқувчилар кўп. Уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, иктидорини намоён этиши учун барча ўқитувчи-мураббийлар мавжуд имкониятлардан фойдаланмоқда.

Ёшлар етакчиси, аввало, ҳулиқи қониқарсиз, ўқишига қизикмайдиган, тўполончи болалар билан тил топишиб, уларни тўғри йўлга солиши керак. "Кулоқсиз" ўқувчилар бизда ҳам бор. Мен уларни намуналилар сафига кўшиш учун норасмий равишда лидерликка сайдадим. Натижা қандай бўлди? Кўп ўтмай, улар яхши томонга ўзгарди, дарсларга қизиқири ортиб, ўрнак бўлиш даражасига етди.

Семинар-тренингда ҳавола этилган лойиҳалар етакчиларга муҳим кўлланма бўлди. Манзура Раҳматуллаеванинг вақт бошқаруви мақсадга эришиш, Нигора Оқилованинг ихтимоий тармоқлардан фойдаланиш бўйича тавсиялари биз учун янгилек. Глобаллашган даврда бу ўйналишларда малака ошириш ўз самарасини беради.



Озурбек Тоzbekов,
Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва
Зулфия номидаги она тили ва адабиёт фанларини
чукурлаштириб ўқитишига ихтиосослаштирилган
мактаб-интернатнинг ёшлар етакчиси:

— Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 апрель куни вилоятимизга ташриф буюриб, ҳалқимизнинг атоқли намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи билан аталувчи мактаб-интернатни ташкил этиш тақлифини билдирган эди. Вазирлар Мажхамасининг тегисли қарорига кўра, беш ой мобайнида янгидан барпо этилган мактаб-интернат адабиётга иштиёқманд ўқувчилар учун ажойиб тухфа бўлди.

Ижодкорнинг гўзл табиати кўйинда илҳоми жўшади. Таълим муассасамизда ландшафт дизайни асосида сўлим боғ барпо этидик. Бу маскан ёш ижодкорлар учун илҳом манбаи. Замонавий 100 ўринни ётоқона, ошхона, фаоллар зали ўқувчилар иختиёрида. 120 нафар ўқувчининг қизиқиш ва интилишини кўллаб-куватлаб рўёбга чиқаришда мақтаб директори Сардор Расулов 20 нафар педагогнинг тажриба ва малакасига суняниди.

Ёшлар етакчиларининг вазифаси жуда кўн экан. Семинар-тренингда лидерлик, тренерлик, нотиклик бўйича билимимизни мустаҳкамладик. Аудитория билан ишлаш, инновацион лойиҳалар яратиш, ўқувчини иходий ва танқидий фикрларга ўргатишда бўйикмаларга асосланамиз. Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш психологияси, танқидий тафakkurni ривожланириш, вақтни бошқариш ва мақсадга эришиш, омма олдида нутқ сўзлаш, ўзига бўлгани ишончи ортириш мавзуларида ўргангандаримизни вилоятга қайтгач, ҳамкасларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Yoshlarga oid davlat siyosati – amalda

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташабbusi билан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи том маънода фарзандларимизнинг орзустаскаларини рўёбга чиқардиган, уларга амалий ёрдам кўрсатадиган ва ташабbuslarini кўллаб-куватлайдиган ташкилотга айланмоқда.

Ташкилотning самарали фаолият юритиши, турили лойиҳаларни амалга оширишида таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ёшлар етакчиларининг хизмати катта.

Уларнинг малақасини ошириш, таъкидли мутахассислар билан фикр алмашини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети билан ҳамкорликда ҳудудлардан сараланган энг фаол ёшлар етакчилари учун ҳафталик семинар-тренинг ташкил этиди. Фурсатдан фойдаланиб, иштирокчиларнинг фикр-мулоқазалари билан ўртоқлашадик.




Мехроҳиддин Назаров,
Самарқанд шаҳридаги
21-мактабнинг ёшлар етакчиси:

— Бугун қайси идора ва муассасага борманг, ёшлар етакчисини учратасиз. Етакчига катта ишонч, масъулият юкландади. Таълим муассасамизда икки мингга яқин ўқувчи ўқииди. Иктидорли ўғил-қизларнинг қобилиятини тўғри йўнаптириб, искеъодидини ривожланиришимиз керак. Муассасамизда "Муваффакият мактаби"ни очдик. Етакчи ёшлар сафини кенгайтиряпмиз.

Ўқув-тренинг фаолиятимизни ривожлантиришда туб бурилиш ясайди. Миржалол Мирсобитов, Соадот Турсунова, Акобир Абдуллаев, Лазиз Адҳамов, Шероз Нарзуллаев, Гавҳар Сагдуллаева каби мутахассислар муваффакиятга эришиш сир-асорлари хусусида биз ёшларга кимматли билимлар бериши.

Бугун ёшлар хаётида қайта уйгониш, дунёга ўзгана нигоҳ билан бокиши, янги мэрралар сари инилиши даври. Президентимиз таъкидлаганидек, биз ёшлар бор кучимиз билан олга интилишимиз керак. Айниска, ёшлар етакчиси ўқувчиларга ҳар томонлама ибрат кўрсатиши лозим.

Муштарибегим Тешабоева,
Андижон туманидаги 36-ИДУМнинг
ёшлар етакчиси:



ДилшодFaufurov,
Урган шаҳридаги
14-мактабнинг ёшлар етакчиси:

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи том маънода мамлакатимиздаги барча ёшларнинг таъниши ва сунъичига айланниш лозим", деб алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг ўюксак ишончини козониш учун биз ёшлар етакчилари бир ёқдан бош чиқариб, сиддиқидан ишлашимиз керак. Куч-ғайрат ва салоҳиятта эга бўлмасак, ҳаракат кимласак, ўз ўрнимизни бошка муносибномзода бўшатиб берганимиз маъқул.

Касбий салоҳиятимизни бойитиш, малакамизни ошириш ва фаолиятимизни ривожланириш учун имконият яратадиган Халқ таълими вазирлигидан миннатдормиз. Кўллаб дўстлар ортиридик, таъкидли мунтажаб. Навоийлик Ойбек Насимов, намангандлик Адига Абдуллаева, самарқандлик Гулноза Фуломова, норинлик Тоирбек Комилхонов каби тенгкурларим билан фикр алмашдим. Бир олам таассурот оғушидаман.

"Ma'rifat" мухбари
Хасан МУМИНОВ ёзиг олди.
Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

2017-yil 21-oktabr, № 84 (9045)

Адиб! Аллома! Арбоб!

Шароф Рашидовнинг узоқ шиллук серкірра фаолигити давомида амалга ошириган хайрли шилларини санап чиққисига кўп фурсат кетади. Шу боис унинг аданбий фаолигитагаси имконимиз етганча тўхтамоқчимиз. Бизга бу борада атоқли ёзувчиликнинг Ҳазрат Алишер Навоийга бағишланган мақолосидаги кўйидаги сўзлари маёб вазифасини ўтайди: «Навоий шебрингитни таҳлақ қиласдан олдин шуни ҳам белгилаб олайликки, у ўз даврининг фарзанди эди. Чина кам шебрингитга, ҳақиқатга, ҳалқга, Ватанга садоқат билан хизмат қиласкан, Навоий ўзининг ҳақ эквалигига, адолатни ҳимоя қилаётганига шинонадекин уларни ҳаётебди жорий этишига келгандга, ярамас мухитинги қаршилигига учар, истироб ичидо ўртапарди». Бу сўзлар Шароф Рашидов ҳаётни ва ижодига ҳам тўла тааллуқни десак, айни ҳақиқатни таъкидлаган бўламиз.

Дархакиат, Шароф Рашидов мустабид түзүмнинг киличидан қон томиб турған, янын ўтган асрининг ўттизинчи иллардирда ҳалхимиз зәмёлилари қатагон қилинаётган даврда ижодини бошлади. Бу даврда күнгилдеги гапни айтиш билан бирга оч тимсохининг озигизаш бош сукмаслик, қип-кизил чўққа парвонадай ўзни урмаслиғи ҳам мухим эди. Навоийнинг муhibи бўлган зилярдай ёш ижодкор Ҳазратнинг хаёти ва ижодидан ибрат олди: "Инсониятнинг барча буюк ақл эгалари сингари Навоий ҳам хеч қачон бащаирянтнинг келажигига ноумид қараган эмас. У доимо инсониятнинг келажигига ишонади. Шу ишонадунинг барча асарларида ёрқин аксо этди". Шароф Рашидов ҳам кўнглидаги гапларини юксак маҳорат билашерларида, публицистикасида, насприи асарларида ифода эта олди:

**Яшамоқ — саодат,
үлмоқ пушаймон,
Орзулар барг ёзар,
йүк дилда армон..**

Унинг маколаларидағы күйидаги сўзларга ётибօн беринг: "(Навоий) зул ва зўрвонли асосида курилган салтанатлар йўқ бўлиб кетишига ишоннарди", "(Гафур Улом) Шарқнинг бир кунмас бир кун келиб ахйир зулма истибдод исканжасидан озод бўлишига ишонганд", "Кудратли тўлкун" романидаги Ҳамад Содиковнинг терговчи га айтган гапларига дикъатингизни каратинг: "Дахшатли ўртоқ, сиз мўминнинг куялар заҳарли коркардтун ҳамешия мумкинлигини хисобга олсангиз бўларди". Бундай сўзларни ўша замонда халқини чин дилдан севган унинг ёрқин истиблолига ишонганд алибина ёзиши мумкин.

адиогина, ёзиши мүмкін.
Күпілдік аділар каби Шароф Рашидов ҳам ижодини шеър ёзишдан бошлады. Унинг дастлабки эзлөн килинган шेъларын халқынниги билан ажырлап тұрады: "Илхомимга берің зўр қанот, мамлакаттам гуллар тутажақ".
Калғады ишоншы вактнинг қадарын биліб, Ватанға хизмет қылғандагина мұстахсанады.

Хәётнинг бир куни асрларга тенг,
Мазмуни улугвор баҳтимиздек кенг..
Ватан ишқи билан урар юрагим,
Ватан ишқи билан улус тидагим.

Шоиринг "Дугоналар", "Алмам омон бўл", "Уялма" ("Богбон қизи") каби ўнлаб шеърлари Саодат Кубулова, Ботир Зокиров, Шерали Жўраев сингари санъаткорлар ижросида кўшикка айланниб, халқимиз қалибдан жой олди. Озарбайжонлик танакли хонанга Платон таржимага утирад экан, бутун кўч-куватини бошканинг асарига бағишилди, ўз ижодий вақтни шунга курбонилади. Вахлондай, таржимага кетасидан диган вақтнина ва чукаларни ўз асарлари рига бағишилаши мумкин эди. Ахир, бир ижодий Фидорковлик эмасми?!

Озардоиёнинлик Таникий хонада Гулла́т Булбул ўғли күйаганд "Иш кўйдим"-("Влюблется я") кўшиги эса шинавандалар танловига кура, "Кўшик-78" телевестифестиwalда дастурлиги киритилганди.

Хар доим шоирининг 1938 йилда ёзган "Нафра" шеърини ўқиганимда, унинг истебоди ва зосисидан хиратга тушаман. Чунки одамот бошига чек-чегарасиз кулфлатар соглан Иккинчи жаҳон уруши хали бошланмаганди. Лекин шоир бу шеърида Гитлер ва фашизмнинг жирхалсан башарасини фош килиб, инсониятни огохлика чорлашиболди.

Малумыг, утган асрнинг 70-80-ийларида ярим дунёни кийинтирган баҳордан халқимизни бокимандалида айланади авж олганди. Бундай сафсатачиларни Шароф Рашидовнинг жавоби катъи бўлди: "Узбек халқи улардан карада бўлбиль колёттани йўк". Шунингдек, "Туркестон халикни саводли кишилар учун 450 йил керад бўлади деб вахима кўлган калтабин буржуза олимларига асосларни жавоб қайтарганди. У дозларб масалаларга хеч кечиктирилмасдан публицистичек макалоларида жавоб беради.

Шароф Рашидовнинг биринчи й

Фашизм бу —
ад бошига битган бир бало.

Эл бошига биттан вир бало,
Фашизм бу –
талончилик, очлик ҳам вабо
Шеърнинг хуносаси аниқ:
Гитлер албат бу

**Гитлер албатын
тарихнинг қаҳрига учар.**
Фашистлар Германияси мамлекатын
худудига сообирип кирган 1941 йил 22-
июнь күни шоир ўзининг машхур "Та-
рихнинг қаҳрила қайрадим килин" шеъ-
риниң өзди ва халқымизни химоя килиш-
чили жаңгыра оттанды.

**Эй, Юрак, Ватан деб
элга қасам ич,
Тарихнинг қаҳрила**

қайрадим килич.
Урушда оғир ярадор бўлган Шароф Рашидов фронт ортига қайтарилди. Унинг газеталарда ишлана публицистикаси қанот ёзишига турткы бўлди: «Ўзувчининг юксак бури», «Юрак амри»; «Шоир, мутафаккир, инсонларвар» каби кенг қамровли мақолалари билдирилган. «Ўзувчи — инсон қалбининг инжерни», «Халқлар ўртасидаги дўстлик — бу хотимаси бўлмагдан китобдир», «Тибта тараққиёт ва маданият йўлидир» сингари фикрлари халк хикматларига ҳамо ҳанг янграйди. Бу мақолаларда қалам га олинган мавзу теран таҳлил килиниб, улардан барчага тушунарли хуолосалар чиқарилади: «Халқни бутун юракдан севмай турти асрларга татийди ган, одамларнинг ёдида узок замонлар яшайдиган асар яратиш бўлмайди». «Одам болалиси учун ҳува олиб яшаш қан

бўлган. Машхур авар шоири Расул Ҳамзатовни кўриш ва сұхбатлаши учун Махачкалагъа бориб турган. Республика мамилга ташриф буорган таникли ёзувчиларни расман қабул қилган. Болқор шоири Кайсийн Кулиевни қабул килиш маросимидан олинган суратни кўрганимда кўзларим яшинаб кетган. Шу билан бирга ёш истеъодли икодкорларни кўллаб-куватлаган. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Ҳудойбердиева каби шоириларимиз адабиёт майдонида дадил қадамлар ташлашида Шароф Рашидовнинг хизматлари катта булаган.

"Хар бир миллый адабиёт ўзининг тили билангиғина эмас, қархоннолар характеридаги миллый ўзига хосликлар миллый маданият анъаналарининг оддамлар турмушы, табиат манзаралари ва ҳоказаларнинг алоҳида хусусиятлари билан ҳам ажрабли турасида ва ажрабли туриши керак". Шароф Рашидов ўзи белгилаган шу тамоилийга барча насрый асарларипа, шу жумладан, "Голиблар" романидан ҳам тўлиқ риош этган. Асардаги табиат тасвирига эътибор беринг: "Саҳар салқинида мудраган чумчомалар, лопалар, турил-тумачеклар ўзларига зеб бераби, табасум күлардилар". Дарҳол кўз ўнгингиздан Узбекистон бахорининг тонгти манзараси гавадланади.

зараси таъдаланади.

Ўзбек халқ мақоллари! Уларни халик яратган ва сайджаллаштирган. “Голиблар” асаридаги қаҳрамонлар халқ мақолларимиздан фойдаланган ҳолда сух-

батлашишининг ўзидан уларнинг ўзбек эканини ҳар қандай зехли ўйкувчи фахмайди. Бундан ташки, муаллиф китобхонлар ёдидаги мухрланиб қоладиган "Менинча, ишнинг кого қиндиғига олганлизилар", "Оғиз бўш колмасини деб эрталабдан катиқ увиттага ўҳшайди" каби ибораларни, "Тирашибокли тогни ағдарар, темир арконни ҳам узар", "Экин-тикин йиљ охиригача чўзиладиган ўзбек ёзининг бошланышидир". "Дунёнинг тўрт томони бор, уз томони ёпилса ҳам бир томони албатта очик бўлади" сингари халқимизга хос гапларни ўз ўйнида кўплаган.

ларни уз урнида кулашаган.

Асариниң баш қархамонлари — Ойкүз ва Олимжон, "Ойкүз фақат Олимжон борсагина урушда катта бурилил бўлбіл, немислар орқа-одилларига қарамай тиракайлаб қочадилар деб фараз қилип ва шунинг учун ҳам унинг тезкор фронтида боришини истаганинг айтмоқчи бўларди". Бу парчада Иккинчи жаҳон урушининг таҳлилини даври Ойизининг соддалиги, уятчангли, севгиллисига ишониши, халқларварлиги Олимжоннинг ўқтамлиги, мардлиги, ҳар ишга кодирлиги тасвирланган эмасмий. Вокеалар ривожи уларнинг шундай фазилатли инсонлар эканлигини тасдиқлайди.

Хар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Замонавий билимлар билан куролланган Ойиз, ва Олимжон кишлодшлари ҳайтини фаровонлаштириш учун биргаликда меҳнат килидилар. Фаровонликнинг омили эса сув Улар булоқлар кўзини очиши, сув омбори куриши ишида фидойлилар кўрсатадилар. Бу янги экин майдонлари очишига замон яратади.

"Голіблар" нинг давоми бўлган "Бўрондан кучи" асарида ҳам юқори саналган фазилатлар янада ёркни бўёкларда берилади. Асаддаги бугунгич кун нафас узурифи турган кўнгидаги гапларга эътибор беринг: "Қабуғла келгандарни күнт ва чидам билан эшишиц, улар кўйган масалани ҳал этиш Ойзик учун темир конун, тантанали қасам эди", "Тажриба ҳам керагу, аммо ҳали истагини биладиган, ҳалқ овозини эшиздигандан юрак ҳам зарур", "Яратиш жараёни қанча мушкул бўлса, яратилган маҳсулот шунчак ноёб ва шунчак кадрлар бўлади". Кенг камровли бўлар асарлар адаб давлат иши билан банд бўлган, ҳалқ мушкулини енгил килиши билан шугулланган даввода яратилган.

Илгари мактаб дарсلىгига бу асар-
нинг "Муроталининг кўзи очилди" боби

киритилганди, Ўкувчиларнинг хотирисада меҳнаткаш Муроталининг сурат ва сирдайти мухларини колади. Асар Муроталининг отаси эккан ўрик тасвири билан бошланади. Нихоясида ҳалол меҳнатининг роҳатини кўрган ва янги йўлга кўнглан Муроталининг гаплари дик-қатнингизни жалб қилиади: „Канча ўрик кўчтапларини ўтқаздим. Бу ўриклар сира-сирка куримайди. Ер ҳам семис, сув ҳам мўл. Отам разматлини „Ўрик юз ўйл гуллайди, юз ўйл ҳосил қилиади“ деган эди... Энди ўзим ҳам юз ўйл умр кўшири-ни истайман“. Шароф Рашидов адабий ҳаракмони истагандай юз ёшга кирди, яна канча юз йилликларни кўради.

“Кашмир кўшиги” кисаси дунёнинг олтмишдан ортиқ тилига таржима килингани, асар асосида либретто яратилгани ва у кўлаб нуфузли саҳнадарда намойиш этилганининг ўзи Шароф Рашидовнинг адаблик салоҳияти юқори эканлигини яққол ислобтрайди. Асардаги Наргиз ва Бамбур соғиевиси, киссадаги “Дугоналар” кўшиги кири бормаган ўзбек хонадони йўқ. Шароф Рашидовнинг барча асарларида бўлгани каби бу севги киссасида ҳам ажойб ҳикмат бор: “Йўлнинг интихосини кўрай деганлар уни босиб ўтишлари лозимидир”. Демак, “Кашмир кўшиги” асарининг бутун гўзалиги ва ҳикматидан баҳраманд бўлай деганлар уни ўқиб чиқишлари керак.

